

Дил – ба ёр-у, даст – ба кор

(Күнгил Аллохда бўлсин-у, кўл – ишда)



# Накъиданция

Илмий-ирфоний, адабий-маърифий уч ойлик журнал

2024 йил, №1 (21)

# Нақшбандия

Илмий-иерфоний, адабий-маърифий уч ойлик журнал

## Муассис:

Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан  
2008 йил 19 июлида 0538 рақами билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир:

**Султонмурод ОЛИМ,**

филология фанлари доктори

Бош муҳаррир ўринбосари:

**Комилжон РАҲИМОВ,**

тарих фанлари доктори, доцент

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

**Эркин МАЖИДОВ** – Бухоро вилояти ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари.

**Фармон АМИНОВ** – Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази раиси, тарих фанлари номзоди, доцент.

**Ғафуржон РАЗЗОҚОВ** – Баҳоуддин Нақшбанд жоме масжиди имом-хатиби, Мир Араб олий мадрасаси мударриси.

**Жобир ЭЛОВ** – Бухоро вилояти бош имом-хатиби, Мир Араб олий мадрасаси ректори.

**Жалолиддин САБУРОВ** – Мир Араб мадрасаси мудири.

**Мирзо КЕНЖАБЕК** – Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази бўлими мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.

**Эргаш ОЧИЛОВ** – Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори инситути катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.

**Сайфиддин САЙФУЛЛОХ** – Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори инситути катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.

**Ҳалим ТЎРАЕВ** – Бухоро давлат университети профессори, тарих фанлари доктори.

**Шодмон СУЛАЙМОНОВ** – “Бухоронома” ва “Бухарский вестник” газеталарининг бош муҳаррири, филология фанлари номзоди, доцент.

**Насруллоҳ ШУКРУЛЛОЕВ** – Бухоро давлат университети доценти, педагогика фанлари номзоди.

Журналдан кўчириб босилганда  
манба қайд этилиши – шарт.

## Манзилимиз:

200708, Бухоро вилояти, Когон тумани, Қасри Орифон қишлоғи,  
Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази.

Тел.: +99890 744-76-15

<http://www.naqshband.uz>

e-mail: smo54@mail.ru

2024 йил, №1 (21)

## МУНДАРИЖА

### БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

Бухоро – нега шариф? ..... 3

### ТАСАВВУФШУНОСЛИК

Ғафуржон РАЗЗОҚОВ, Султонмурод ОЛИМ,

Комилжон РАҲИМОВ

Етти пир ким эди? ..... 10

Хожа Абдулхолиқ Фиждувоний ҳақида ўн ҳақиқат.. 24

Хожа Ориф Ревгари ҳақида ўн ҳақиқат ..... 25

### БУХОРО ШАҲРИ – “ИСЛОМ ОЛАМИ

#### МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ

Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар НАРШАХИЙ

Бухоро тарихи (Китобдан лавҳалар) ..... 26

Манбаларда Бухоро васфи ..... 33

Ҳалим ТЎРАЕВ

Бухоро – маърифат ўчоги ..... 39

Жобир ЭЛОВ

Шариф шаҳарнинг баланд мақоми..... 45

### МАЪРИФАТ МАНЗИЛЛАРИ

Ислам НАИМОВ

Бухоронинг Санкт-Петербургдаги масжиди ..... 49

### БУХОРИЙЛАР БЎСТОНИ

Ғафуржон ЭШМАНОВ

Мужрим – Обиднинг ҳаёти ва бадиий маҳорати ..... 56

“Дахмайи Беҳиштиён” мажмуаси тўғрисида ..... 62

### СЎЗДА СЕҲР – БОР, ШЕЪРДА ЭСА – ҲИКМАТ

Тилак ЖҮРА

Шеърлар ..... 65

### АҲБОРОТ

Эркин ЁДГОРОВ

Туркияда Фиждувонийга бағишлиланган анжуман ..... 67

Журналнинг ушбу сони Ўзбекистон Республикаси

Дин ишлари бўйича қўмитаси 2024 йил 6 майидаги

02-07/2632-сонли хulosasi асосида нашр этилди.

Босишига 2024 йил 8 майда руҳсат этилди. Бичими 60x84 1/8.

Офсет босма усулида босилди. Шартли босма табоби 7,90.

Адади: 1000 нусха. Буюртма рақами: 1642.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Янгишаҳар кўчаси, 1а-үй.

## Бухоро шаҳри – “Ислом олами маданияти пойтахти”

# БУХОРО – МАЪРИФАТ ЎЧОГИ

Халим ТЎРАЕВ,

Бухоро давлат университети профессори, тарих фанлари доктори.

В статье «Бухара – очаг просветительства» доктора исторических наук, профессора Бухарского государственного университета Халима Тураева анализируется вклад просветителей Бухары в развитие национальной духовности и просветительства.

*The contribution of Bukharan scientists to the development of our national spirituality and enlightenment is analyzed in the article “Bukhara is the center of enlightenment” authored by Halim Turaev, Doctor of Historical Sciences, Head of the Department of Bukhara State University.*

Бухоро Ўрта Осиёнинг тарихий-маданий марказларидан бири. Зарафшон дарёсининг қуи оқимида жойлашган бу шаҳар бошқа қадимий шаҳарлардан, жумладан, Самарқанддан фарқли ўлароқ 2500 йил давомида ўзининг ilk пайдо бўлган жойини ҳеч қаҷон ўзгартирмаган<sup>1</sup>.

Шаҳар дастлаб Зарафшон дарёсининг бир ирмоғи, яъни Зарируд деб аталган катта анҳорнинг икки қирғоғида жойлашган уч тепалик устида пайдо бўлган. Эрамизнинг VII асрига оид Хитой манбаларида Бухоро шаҳри *Анси*, *Бухо*, *Бухала*, *Нюми номлари билантилга олинади*. Наршахий, Хуросонда Бухорочалик кўп номга эга шаҳар йўқ, деб таъкидлайди. Араблар шаҳарга нисбатан “Мадинат ус-суфрия” (Мис шаҳар), “Мадинат ут-тужжор” (Савдогарлар шаҳри), “Фохира” (Фаҳрли шаҳар) атамаларини қўллашган<sup>2</sup>. “Бухоро” номининг этимологияси тўғрисида ягона фикр мавжуд эмас. Академик В. В. Бартольд “Бухоро” атамаси санскритча “вихара”, яъни “ибодатхона” (монастырь) сўзидан олинган деб ҳисобласа<sup>3</sup>, ўзбекистонлик олим А. Р. Муҳаммаджонов ушбу атама сўғчча “Бугоро” – “Тангри жамоли” маъносини англатади деган фикрни илгари суради<sup>4</sup>.

Араблар истилосига қадар шаҳар аҳолисининг асосий диний эътиқоди зардуштийлик (зороастризм – оташпарастлик) эди. Бухоро ислом динини биринчилардан бўлиб қабул қилган Ўрта Осиё шаҳарларидан IX–XI асрларда Бухоро ўрта аср шаҳарларига хос тўрт қисмдан иборат эди: Арк (кухандиз – ҳукмдорлар қароргоҳи), шаҳристон (аҳоли яшайдиган қисм), рабод (савдо ва ҳунармандчилик дўконлари жойлашган қисм), бозор. Биз сўз юритаётган даврда илм-фан ва маданият ривожи учун хизмат қилган иқтисодий омиллардан бири шаҳарнинг ҳалқаро савдо карвони йўли устида жойлашганлиги эди. Шаҳарсозлик маданиятига хос бўлган ҳунармандчиликнинг равнақи эса маданий жараёнларнинг янада жадаллашувига олиб келди.. Арк ва шаҳристон ўргасида жойлашган “Байт ул-тироҳ” номли тўқув корхонасида тайёрланган “Занданича” матоси Шарқ мамлакатларига экспорт қилинган ва ундан катта фойда олинган.

Бухоро илмий-маданий ҳаётида мӯғуллар истилоси ва Темурийлар даври алоҳида ўрин тутади. Чунки Ҳожагон сўфийлик тариқати(биродарлиги) нинг

<sup>1</sup>Бартольд В.В. Места домусульманского культа в Бухаре и ее окрестностях. Соч. в 9-и томах. Том 2, ч. 2.-Москва: Наука, 1964.- С.471; также см: Некрасова Е. Г. Бухара // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Том 5.-Москва:Восточная литература, 2012. – С.42.

<sup>2</sup>Муҳаммаджонов А.Р. Қадимги Бухоро. – Тошкент: Фан, 1991. – Б.50.

<sup>3</sup>Бартольд В.В. Бухара. Соч. Том 3. – С.378

<sup>4</sup>Муҳаммаджонов А.Р. Қадимги Бухоро, – Б. 50

шаклланиб, ижтимоий-маънавий соҳада юксак мавқега эга бўлиши ҳамда маънавий-маданий жараёнларга катта таъсир кўрсатиши айнан шу даврда юз берди. Абдулхолиқ Фиждувоний (1103 – 1179 ёки 1220) асос солган Хожагон тариқати мўғуллар истилоси ва темурийлар даврида унинг ворислари Хожа Ориф Ревгари, Хожа Маҳмуд Анжир фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Хожа Бобои Самосий, Хожа Амир Кулол, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд томонидан ривожлантирилди. Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирди Хожа Муҳаммад Порсо (1345 – 1420) Хожагон-Нақшбандия таълимотини тизимга солиб, унинг назарий асосларини мустаҳкамлади ва шу орқали таълимотнинг кейинги ривожини таъминлади. Ўзининг “Фасл ул-хитоб” асарида Ибн Арабий фалсафасини хожагон-нақшбандия тариқати ғояларига сингдириб, шариат ва ҳақиқат илмларини бир-бирига қўşди, “ваҳдати вужуд” таълимотини нақшбандияга олиб кирди<sup>1</sup>.

Ўрта аср Бухоро мадрасалари илм маскани сифатида нафақат Мовароуннаҳрда, балки мусулмон шарқида ҳам машҳур эди. Улуғбек, Мир Араб, Абдуллаҳон, Кўкалдош, Абдулазизхон каби ийрик мадрасалар диний илм берувчи, араб тилини ўргатувчи масканлар ҳисобланган. Мадрасалар уч турга бўлинган олий, ўрта (авsat) ва қуий (адно). Асосан, вақфдан келадиган даромад ҳисобига фаолият кўрсатган. Даромадни тўғри тақсимлаш вақф шартларидан бири бўлган. Мударислар, талабалар вақф даромадидан улуш олишган. Даромаднинг бошқа қисми мадраса таъмири ва бошқа ишларга сарфланган.

Бухоро мадрасаларида араб тили, мантиқ, риторика, табиий ва диний фанлар ўқитилган. Ислом шариати чуқур ўргатилган. Таҳорат, намоз, рўза, ҳаж, марҳумни дафн этиш қонун-қоидалари,

олди-сотди тартиблари, қул сақлаш ва қулни озод қилиш, маҳрамликка олиш ва талоқ қилиш каби шаърий масалалар мадраса ўқув дастурининг асосини ташкил этарди. Араб грамматикаси масалаларини қамраб олган «Кофия» китоби ҳар бир Бухоро мадрасасида ўқитилган. «Кофия» китобининг шарҳига бағишлиланган Абдураҳмон Жомийнинг «Шархи муло» рисоласи навбатдаги босқични ўз ичига оларди. Мантиқ масалаларига бағишлиланган «Шамсия» китоби ҳам мадраса ўқув дастурларида алоҳида ўрин тутган. «Ақоид», «Таҳзиб», «Ҳикмат ул-айн» каби рисолалар навбатдаги босқичда ўргатилган<sup>2</sup>.

Бухоро мадрасалари бир вақтнинг ўзида талабалар учун ётоқхона вазифасини ҳам ўтарди. Мадраса ўқув зали, ҳужралар, намоз ўқишга мўлжалланган маҳсус хона ва кутубхонадан иборат бўлган.

Аштархонийлар даврида (1601–1753) мамлакатда юз берган бошбошдоқлик, ички низолар, ўзаро урушлар иқтисодни издан чиқарди. Бу ҳол Бухоро мадрасаларига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Манғитлар сулоласи вакили Амир Шоҳмурод (1785–1800) ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Бухоро мадрасалари биноси ачинарли аҳволда эди. Вақфдан келаётган даромадлар миқдори ҳам кўп эмас эди. Шунда Амир Шоҳмурод аҳволни ўнглаб олишнинг ягона чораси мадраса ҳужраларини ҳусусийлаштириш деб ҳисоблаб, талабанинг ўз маблағи ҳисобига таъмирланган ҳужра шу талаба мулкига айланиши тўғрисида фармон чиқарди. Бу ислоҳот икки йилда ўз ижобий натижасини берди. Мадрасалар қайта таъмирланди. «Тўс-тўполон» даврларида йўқолиб кетган ёки йиртилиш ҳолатига келган вақф ҳужжатларининг қайта кўчирилиши ва вақф даромадларининг қайта тикланиши тўғрисида амир Шоҳмурод фармони мадрасалар аҳволининг яхшиланишига хизмат қилди.

<sup>1</sup>Қаранг: Аширбек Муминов, Юрген Паул. Мухаммад Порсо // Ислам на территории бывшей Российской империи, том 5, С.294; яна қаранг: Algar. H. Reflections of Ibn Arabi in earlyNaqshbandi traditions // Journal of the Muhyiddin Ibn Arabi Society. – 1991, № 10, –S. 45-66

<sup>2</sup>Садрийддин Айни. Бухара. В двух книгах. Книга 1. –Душанбе: Ирфон, 1980. – С. 255.

Турли даврларда Бухоро мадрасалари ўқув кутубхоналарига эга бўлган. Махсус китобдор штати мавжуд бўлиб, китобдор сақланётган китобларнинг сони, сифати учун жавоб берган. Кутубхонадаги китоблар, шунингдек, кутубхонани китоб билан бойитиб бориш учун ҳам вақфлар таъсис этиларди. Четдан келган кишиларга иложи борича китоб берилмаган. Фақат истисно тариқасида берилиши мумкин бўлган.

Юқорида номи тилган олинган Муҳаммад Порсо нафақат илоҳиёт олими, балки китобсевар ва китоб тўпловчи сифатида ҳам машҳур. Унинг кутубхонасига тааллуқли 122 та қўлёзма китоб бугунги кунда дунёning тўрт давлат илмий муассасида ва икки шахсий коллекцияда сақланмоқда<sup>1</sup>.

Аштархоний Абдулазизхон (1645–1680) томонидан XVII асрда Бухорода қурилган йирик кутубхона ўз даврида жуда машҳур эди. Давр тарихчилари наздида у жаҳонда тенгиз ҳисобланган<sup>2</sup>. Бадавлат Бухоро хонадонлари эса ўз кутубхоналарига эга бўлган. Машҳур Жўйбор хўжалари хонадонида минг жилдан ортиқ китоб сақланган. Тариқат пешволаридан бири Мулло Мир Коғароний (XVI аср) ҳам ўзининг мўъжазгина кутубхонасига эга эди<sup>3</sup>.

Бухоронинг машҳур тарихнавис ва шоирларидан Аҳмад Дониш, Мирза Сомий, Мирза Салимбек, Шарифжон Махдумларнинг ўз шахсий кутубхоналари мавжуд эди. Булар ичida Шарифжон Махдум кутубхонаси бой кутубхона бўлиб, унда нодир қўлёзмалар сақланган. Алишер Навоий томонидан тузилган «Мажмуа мураққа», яъни Абдурамон Жомий, Хожа Аҳрор мактубларидан иборат бўлган

альбом Шарифжон Махдум кутубхонасида узоқ сақланган<sup>4</sup>. Айни пайтда бу альбом Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Амир Музаффар (1860–1885) фарзандларидан бири Сайид Муҳаммад Носириддин сарой кутубхонаси китобдори эди. Унинг асосий вазифаси сарой кутубхонасидаги китобларни сақлаш ва тартибга келтиришдан иборат бўлган.

Бухорода катта миқдордаги китоблар жамланган бўлиб, Бухоро марказий Осиё китобат санъатининг маркази эди. Шаҳарда ҳаттотлик мактаблари мавжуд бўлиб, унинг вакиллари томонидан кўплаб китоблар қайта кўчирилган. Мирза Бухорий, Султон Муҳаммад Бухорий, Сайид Абдулло Бухорий, Мавлоно Иноятулло Котиб, Мирза Абдураҳмонлар Бухоронинг машҳур ҳаттотлари ҳисобланадилар. Улар томонидан кўчирилган китоблар бугунги кунда жаҳоннинг турли машҳур кутубхона ва музейларида сақланмоқда.

Чиройлилиги, бадиий безаги билан Бухоро китоблари доимо ажralиб турган. Шу боис уларга талаб катта бўлган. Четдан келадиган сайёҳлар, элчилар айнан Бухорода ёзилган китобларни сотиб олишга ҳаракат қилишган. Бухоро китобларининг халқаро савдода ҳам ўрни бўлакча эди. Бухоро ҳукмдори амир Ҳайдар томонидан рус давлати элчиси А. Ф. Негрига совға қилинган «Тарихи Муқимхоний» асарини мисол қилиб келтириш мумкин<sup>5</sup>.

1915 йили Бухорога ташриф буюрган рус шарқшуноси В. А. Ивановнинг вазифаси китоб сотиб олиш эди. Шу мақсадда у Бухородан 1057 дона қўлёзма китоб сотиб олиб, уларни Петербургга олиб кетади<sup>6</sup>.

<sup>1</sup>Аширабек Муминов, Юрген Паул. Муҳаммад Порсо // Ислам на территории..., – С. 295.

<sup>2</sup>Ахмедов Б. А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI – XVIII вв. – Ташкент: Фан, 1985. – С. 65.

<sup>3</sup>Сайид Муҳаммад Носириддин. Тұхфат аз-зойирин. Литография. Бухоро, 1910.

<sup>4</sup>Тўраев Ҳ. Шарифжон маҳдум Садр Зиё ва унинг илмий мероси // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 2008.

№ 1. – Б. 33–34.

<sup>5</sup>Муҳаммад Юсуф Мунши. Муқим-ханская история / Перевод с таджикского, предисловие, примечания и указатели А. А. Семенова. – Ташкент: Изд-во АН Уз ССР, 1956. – С. 6.

<sup>6</sup>Иванов В. А. Списки рукописей Бухарской коллекции // Письменные памятники Востока. Ежегодник, 1970. – Москва: Наука, 1974. – С. 407, 412.

Хукмрон доираларда ҳам қўлёзма китоблар жуда эъзозланган. Буни қўйидаги мисол билан тасдиқлаш мумкин. Бухоронинг сўнгги ҳукмдори амир Олимхон таҳтга ўтиргач, 1911 йил Петербургга, император ҳузурига боради. Шунда сарой кутубхонасида сақлананаётган қўлёзмалардан 20 донасини рус императорига совға қиласди.

Бухоро мадрасалари, кутубхоналари ва уларда сақланган қўлёзма китоблар бой маданий ва маънавий меросимиз, фахримиз ҳисобланади.

Аҳмад Дониш, Мирза Сомий, Шарифжон Маҳдум Садр Зиё, Фитрат ва бошқа кўплаб маърифатпарвар, тарихчи, олимларнинг етишиб чиқишида мадрасаларнинг роли катта бўлган.

Аҳмад Дониш (1827–1897) ўз даврининг илгор фикрли намояндадаридан бири эди. У яшаган даврда Ўрта Осиё хонликлари мураккаб ижтимоий-сиёсий воқеаларни ўз бошидан кечираётган эди. Хонликлар ўртасидаги ўзаро феодал низолар оқибати ўлароқ уч мустақил давлат чор Россияси таъсирига тушиб қолди. Чор Россияси армиясининг Бухоро мулкини истило қилиши тафсилотларини ёритишига Бухоро тарихчилари орасида биринчи бўлиб қўл урган киши Аҳмад Дониш бўлди. Мутафаккир олимнинг жўшқин ижодий фаолиятини таниқли олимлардан И. С. Брагинский, А. Мирзоев, С. Улуғзода, Р. Ҳодизода, И. Мўминов, Х. Воҳидов, Ж. Тошқувловлар тадқиқ қилиб, илмий адабиётга олиб киришди.

Аҳмад Донишдан бой илмий мерос қолди. У IX–XII асрлар мусулмон Ренессанси даври олимларига хос бўлган қомусий илм соҳиби ҳисобланади. Аҳмад Дониш шоир ва тарихчи бўлиш билан бирга, мунажжим, муҳандис, риёзиётчи, мусаввир, машҳур хаттот ҳамдир. Зиёли

оилада тарбия топган Аҳмад Дониш – бир неча асарлар муаллифи. Унинг ўн етти қўлёзмаси ҳозирги кунда Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Уни мусаввир сифатида танитган бир неча асарлар бизгача етиб келди. Улар Ўзбекистон Давлат санъат музеи ва ЎзРФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Аҳмад Дониш Бухоро миниатюра мактаби анъаналарини давом эттирган ва унга содик қолган мусаввирдир. «Мактаб», «Мажнун саҳрода», «Шоир ва дарвиш» каби миниатюралари асосида чуқур ижтимоий-фалсафий фикр ётади. Миниатюраларда хотин-қизларни билимли қилиш, ватан тақдиди каби масалалар илгари сурилган. Дониш турли хилдаги китобларни кўчириш ва қайта кўчириш, уларни бадиий безаш билан ҳам шуғулланган. Мирзо Бедил асарларини қайта кўчириб, уларга миниатюралар ишлаган.

Аҳмад Дониш асарлари ичида ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишлиланган «Наводир ул-вақое» (Нодир воқелар) ва «Рисола ё муҳтасаре аз таърихи салтанати хонадони манғития» «манғитлар хонадонининг қисқача тарихи» асарлари алоҳида ўрин тутади. Ушбу асарлар илк тадқиқотчиларидан бири Садриддин Айний ҳисобланади. У 1920 йили «Шуълаи инқилоб» журналида Аҳмад Донишнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳамда юқоридаги асарларнинг қисқача мазмуни ва қиммати тўғрисида маълумот берди. Шунингдек, шарқшунос олим Е. Э. Бертельс ҳам 1936 йили Аҳмад Донишнинг қўлёзмаларига обзор бериб, маърифатпарвар олимнинг илмий хуласалари ҳамда ижтимоий-сиёсий фаолиятига атрофлича тўхталди.

Аҳмад Дониш ижодининг мантиқий давоми бухоролик тарихчи, шоир, хаттот

<sup>1</sup>Қаранг: Тўраев Ҳ. Жаҳонгашта мерос // “Аждодларимизнинг қўлёзма меросини тўплаш, илмий ўрганиш ва нашр этиш муаммолари” мавзуидаги илмий анжуман материаллари. Тошкент: Имом ал-Бухорий Ҳалқаро жамғармаси, 2001. – Б. 18–19.

Мирза Сомий (1838–1907) меросида ўз аксини топди. Мирза Сомий амир Музаффар (1860–1885) ва амир Абдулаҳад (1885–1910) саройида мирзолик қилиб катта обрў қозонди. Амир Музаффарнинг ҳарбий юришлари даврида воқеаларни кузатувчи сифатида иштирок этди. Унинг «Тарихи салотини манғития» асари Бухоро амирлигининг XVIII–XIX аср охиригача бўлган тарихини ўз ичига олади. Шунингдек, «Тухфай шоҳий», «Даҳмаи шоҳон» каби асарлари ҳам тарихий мавзуга бағишиланган<sup>1</sup>.

Бухоро маърифатпарварлик муҳитида Мирза Салимбек номи алоҳида таъкидга лойиқ. Амир Музаффар даврида у бир неча муддат Бухоро давлатининг Туркистон генерал-губернаторлигидаги вакили вазифасида, кейинчалик эса Бухорога қарашли Сомжин тумани амлокдори, Бухоро шаҳри миршаби лавозимларида хизмат қилди. Амирликка қарашли Яккабоғ, Нурота, Бойсун, Шеробод, Шаҳрисабз, Чоржўй вилоятлари беги лавозимларида фаолият кўрсатди. «Тарихи Салимий» асари унинг ижодида марказий ўринни эгаллайди. Асарни манғитлар хонадони тарихи тўғрисидаги мукаммал асарлар қаторига қўшиш мумкин. Асар Ўрта Осиё тарихшунослиги анъанавий усулида ёзилган бўлиб, манғитлар сулоласи ҳукмронлик даври воқеаларини акс эттиради.

Шарифжон Маҳдум Садр Зиё (1867–1931) XIX аср охири XX аср бошлари Бухоро илмий-адабий муҳити анъаналари йўналишида ижод қилган маърифатпарвар, тарихчи, хаттот, китобсевар ҳисобланади. У 1867 йили Бухоро амирлигига қарашли Зиёвуддин қишлоғида туғилди.

Шарифжон Маҳдум маърифий оламида икки жиҳат яққол кўзга ташланади: биринчиси, унинг қаламига мансуб тарихий-адабий асарлари бўлса, иккинчиси у ташкил этган бой кутубхона. У

тарихчи сифатида умумий тарих ва Бухоро тарихининг айрим масалалари бўйича бир неча асарлар муаллифи. Жумладан, «Мунтахаб ат-таворих», «Тарихи муҳтасар», «Усмонли турк ҳукмдорлари силсиласи», «Эрон тарихи», «Бухоронинг пайдо бўлиш тарихи», «Қабила ва уруғларнинг бўлиниши», «Ўзбек сулолаларида мансаб ва лавозимлар зикри», «Бухорода сув тақсимоти», «Рўзнома» ва бошқалар.

Бу тарихий асарлар ўта илмийликка даъво қилмаса-да, ўзига хос маърифий аҳамиятга эга. Булар ичида «Ўзбек сулолаларида мансаб ва лавозимлар зикри», «Бухорода сув тақсимоти», «Рўзнома» каби асарлар Бухоронинг сўнгти феодал даври ижтимоий-иктисодий, маданий ҳаётини ўрганиш учун катта аҳамият касб этади. Шуни инобатга олиб, машҳур рус шарқшуноси А. А. Семёнов XX асрнинг 20-йилларидаёқ «Ўзбек сулолаларида мансаб ва лавозимлар зикри» номли асарни тадқиқ этишга киришди ва уни бошқа нусхалар билан солиштирган ҳолда 1927 йили рус тилига таржима қилиб, чоп этди.

Шарифжон Маҳдумнинг тарихий асарлари ичида «Бухоройи шарифнинг осори атиқалари ва қадимий бинолари тарихи» номли қўлёзма асари – алоҳида қимматга эга. Асарнинг катта қисми Бухоро амирлигининг чор Россияси томонидан босиб олиниши тарихига бағишиланган. Шу масалага доир асарлар ёзган Аҳмад Дониш ва Мирза Сомий китобларида учрамайдиган маълумотларни Шарифжон Маҳдум ўз асарида келтириб ўтади.

Тазкиранавислик соҳасида ҳам қалам тебраттган Шарифжон Маҳдум «Тазкират ул-шуаро», «Тазкират ул-хаттотин» каби асарлар ёзиб, замондош шоирлар ва хаттотлар тўғрисида муҳим маълумотлар ёзиб қолдирган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup>Епифанова Л. М. Рукописные источники по истории Средней Азии периода присоединения её к России. – Ташкент: Наука, 1965.– С. 22–42.

<sup>2</sup>Епифанова Л. М. Рукописные источники... – С. 51–64.

Шарифжон Махдум илмий-маърифий фаолиятининг иккинчи қирраси бўлган китобсеварлик, унга нодир қўлёзмалардан иборат бой кутубхона ташкил этишга имкон яратди. Агар кутубхонашунослик нуқтаи назаридан олиб қарасак, XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро маърифатпарварларининг бирортасида Шарифжон Махдумнинг кутубхонасиdek бой кутубхона бўлмаган. Унинг кутубхонасида сақланган ёзма ёдгорликларнинг энг қадимийси IX асрга оид бўлган. Фан оламида «Катта Лангар Қуръони» (Шаҳрисабз яқинидаги Катта Лангар қишлоғидан топилгани учун шундай аталади) номи билан машҳур ўта нодир Қуръон нусхасининг бир варағи унинг кутубхонасида сақланган (айни пайтда у ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда).

Бухоро амирлиги ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида ислом дини муҳим ўрин тутган. Манғитлар сулоласи даврида Бухорода исломнинг сунний мазҳабига эътиқод қилувчи

аҳоли кўпчиликни ташкил этарди. Шу билан бирга, шиаликка эътиқод қилувчи эроний қавмлар ҳам истиқомат қилишган. Муфтий, раис, мулла, эшонлар ислом динининг асосий тарғиботчилари саналган.

Бухоро ҳукмдорлари дин ишларини ривожлантиришга, диний-маърифий биноларни қуриш ва таъмирлашга муайян эътибор қаратишган. Бухорода манғитлар даврида қурилган амир Олимхон мадрасаси, Боло Ҳавз масжидининг айвони, Баҳоуддин Нақшбанд меъморий комплекси олдида қурилган Музafferхон масжиди бунга мисол бўлади.

XX аср бошларида Бухоро шаҳрининг умумий майдони 500 гектарни ташкил этган. Шаҳарда 232 масжид (бундан 5 таси жомеъ масжиди), 8 та масжидхонақоҳ, 200 та мадраса мавжуд эди.

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухорода маориф, фан, маданият ривожи асрлардан бери давом этиб келаётган тарихий анъананинг бевосита давоми ҳисобланади.

